

METHODS AND TECHNIQUES OF FORMING INTEREST IN EXAMPLES OF FICTION IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS THROUGH READING

Mingbaeva Barno Ubaidullayevna,

“Methodology of Primary Education”

Senior Lecturer of the Department

Abstract: Reading is important in a student's life. With the help of reading, there is an interest in fiction. Works of art read in childhood are imprinted on the mind for a long time and ensure its spiritual and intellectual development. Samples of fiction help students to form norms of behavior. Examples of fiction serve as an important pedagogical tool in the formation of a highly moral and spiritual person.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА КИТОБХОНЛИК ВОСИТАСИДА БАДИИЙ АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИГА ҚИЗИҚИШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

Мингбаева Барно Убайдуллаевна,

ТШХТХҚТ МОХМ “Бошланғич таълим методикаси”

кафедраси катта ўқитувчиси

Китобхонлик ўқувчи ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Китобхонлик ёрдамида бадиий адабиётга бўлган қизиқиш вужудга келади. Болаликда ўқилган бадиий асарлар шахс онгига узоқ вақт муҳрланиб қолади ва унинг маънавий-интеллектуал ривожланшини таъминлайди. Бадиий адабиёт намуналари ўқувчиларда хулқ-атвор меъёрларини шакллантиришга кўмаклашади. Юксак ахлоқли ва маънавийли шахсни шакллантиришда бадиий адабиёт намуналари муҳим педагогик восита сифатида хизмат қилади. Бадиий адабиёт намуналари ўқувчиларда юксак идеални шакллантириб, атроф-оламни англашларига кўмаклашади. Дастлаб ўқиш дарсларида ўқувчилар бадиий адабиёт намуналари билан танишадилар. Мазкур намуналар уларнинг маънавий оламини бойитиб, қадриятларни эгаллаш сари йўналтиради.

Ўқиш дарслари ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантириш билан бир қаторда улар учун истикболда зарур бўлган билим, кўникма, малака ва таянч компетенцияларни ҳам шакллантиришга йўналтирилиши бугунги куннинг асосий вазибаларидандир. Ўқувчиларга бадиий адабиёт намуналарига қизиқишни шакллантиришда инновацион характердаги ностандарт дарслар алоҳида аҳамиятга эга. Бундай дарслар сирасига эртас асосида қурилган дарслар, саъхат дарслари, аукцион дарслар, сахналантирилган дарслар, викторина дарслари, ўйин дарслари киради.

Асар матни асосида ташкил этилган иш турлари ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига нисбатан қизиқишни шакллантириш билан бир қаторда ифодали ўқиш кўникмаларини ҳам ривожлантиради. Масалан, асар матни ёки унинг муайян қисмини сахналантириш, гаплар занжирини ҳосил қилиш асосида ўқиш, абзацларга бўлиб ўқиш, асарнинг расмга мос келадиган қисмини топиш мақсадида ўқиш, асарнинг саволларга жавоб беришга кўмаклашадиган қисмини танлаб ўқиш.

Ўқувчиларда ўрганилаётган бадиий асарга нисбатан қизиқишни шакллантиришда бир хилда натижа бермайдиган топшириқларни бажаришга эътибор қаратилади. Улар анъанавий саволлар, тестлар, машқлардан фарқ қилиб, мумкин бўлган жавобларни излаб топишга йўналтирилган. Ушбу жавоблар бетакрор бўлиб, ўқувчиларнинг ўзларини ижодий жиҳатдан намоён қилишларига шароит яратади.

Синфдан ташқари педагогик жараёнлар ўқув-тарбиявий тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади. У ўқувчиларда бадиий адабиёт намуналарига бўлган қизиқишни ривожлантириб, ўзлаштирилган билимларни чуқурлаштириш, ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини очиш, уларнинг мустақил ва ижодий фаоллигини ривожлантириш имконини беради.

Ўқувчиларда бадий асар намуналарига нисбатан қизиқишни шакллантиришда адабий ўйинлар ва адабий кечалар муҳим ўрин тутди. Бадий ўйинларни қуйидагича тизимлаштириш мумкин:

- ўқувчиларда нутқни ривожлантиришга йўналтирилган ўйинлар ва машқлар;
- бадий бошқотирмалар;
- бадий викториналар;
- муайян услубга асосланган ўйинлар.

Маданий муассасалар билан ҳамкорликда ҳам ранг-баранг тадбирлар ташкил этилади: кутубхона соатлари, музейларга саёхатлар, кўргазмаларда иштирок этиш, китобхонлар танловларида қатнашиш, эртақларни саҳналаштириш қабилар.

Ўқиш дарсларини биринчи навбатда ўқувчи шахсига йўналтириш асосида таълим оловчиларда бадий асар намуналарига нисбатан қизиқишни шакллантириш имкониятлари кенгайтирилади. Шу асосда ушбу мақсадга хизмат қиладиган педагогик воситалар, усуллар ва методлар тақдим этилади. Улар:

1) Шахсий тажрибани фаоллаштириш методи. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга асар қаҳрамонлари вазиятига киришни таклиф қилади. Ушбу жараёнда ўқувчилар ўз шахсий ҳаётлари билан боғлиқ муайян вазиятларни танлайдилар. Ўқувчиларга ўз ҳис-туйғулари ва кечинмаларини ёзиш ва синфдошлариники билан қийслаш ҳақида топшириқ берилади.

2) интроспектив таҳлил методи – ўқувчиларга бадий асарларни ўргатишнинг ўзига хос методи ҳисобланади. Бадий асарларда ҳар доим муайян вазиятлар тавсифланади. Ушбу вазиятлар инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлади. Унда инсоннинг кечинмалари ифодаланиб ўқувчи қалбига кириб боради. Ўқитувчининг вазифаларидан бири ўқувчилар олдига ўз шахсий кечинмаларини ифодалаш вазифасини қўйишдан иборат.

3) Шахсга йўналтирилган театрлаштирилган метод. Ушбу метод ўқувчиларни театрлаштирилган бадий асарга қизиқтиришдан иборат. Бу ўринда ўқувчиларда бадий асарга қизиқишни шакллантириш, уларнинг ҳис-туйғуларини уйғотишда бадий асарни саҳналаштириш элементларидан фойдаланиш ҳақида фикр юритилади. Ушбу метод ёрдамида ўқувчилар бадий асар қаҳрамонининг туйғулари ва кечинмаларини ўзларида ҳис этадилар.

4) Ўз-ўзини ижодий намоён қилиш методи. Мазкур метод ёрдамида ўқувчилар маданият оламида ўз ўринларини тасаввур этадилар. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларни турли танловлар, сахна кўринишларига муносиб иштирок этиш учун тайёрлаши лозим.

Шу билан бир қаторда ўқитувчилар бошланғич синф ўқувчиларини бадий адабиёт намуналарига қизиқтириш учун ўқиш, тарбия дарсларида турли интерфаол технологиялардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ. Ўқитувчилар интерактив доскаларга Mimio Studioларни ўрнатишлари лозим. Унда турли бадий ўйинларни жойлаштириб тақдимот қилиш мумкин. Бундай технологиялар ўқиш дарслари самарадорлигини ошириб, ўқувчиларнинг бадий адабиёт намуналарига бўлган қизиқишларини ривожлантиради.

Фойдаланган адабиётлар

1. Рахимова И.Р. Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-амалий хусусиятлари: Пед.фанлари бўйича фалсафа доктори (ПхД) илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертация иши. Тошкент, 2020 йил.
2. Болотская С. Приобщение детей дошкольного возраста к художественной литературе [Текст] / С. Болотская, Т.Сквирер // Детский сад от А до Я. - 2008. - № 4. - С. 150-153.
3. Йўлдошев Э. Кутубхона ва ёш китобхон. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003. - 200 б.